

Олима БОЙМАНОВА

МЕН БАҲОРНИ
КУЙЛАГИМ
КЕЛДИ

Шеърлар

МАҲБУРИЙ НУСXA

Қарши
«Насаф» нашриёти
2013

84(59)7-Узб. афрэд

УЎК Үз.2
КБК 84 (5Ўзб)-3
Б 3

*Ёшлик орзу ва интилишлар, бегуборлик,
чексиз хаёлотлар кошонасидир.*

*Олима Бойманованинг шеърларида
болаларча бегуборлик акс этган бўлиб,
ушбу машқлар сиз - ўқувчиларга манзур
бўлади, деган умиддамиз.*

NATLIB.UZ

Ю 41931
0

Б $\frac{4702620201-82}{376(09)2013}$ 82-2013 © О. Бойманова, 2013 йил.
© “Насаф” нашриёти, 2013 йил.

ISBN 978-9943-18-176-2
Alisher Navoiy
nomidagi
2013/138
10119
Q'zbekiston MK

ГУЗАЛ ВАТАНИМГА

Мен туғилган азиз жой,
Униб ўсган масканим.
Талантларга жуда бой,
Менинг гузал Ватаним!

Шарқда кўркам тоғлари,
Яшнар сўлим боғлари.
Олтиндай тупроқлари,
Куйлай ёшлик чоғлари.

Унга чексиз шараф-шон,
Ҳаёт йўли нурафшон.
Мустақилдир дунёда,
Тан олди бутун жаҳон.

Санъатга бўлдим шайдо,
Меҳрим бердим мен ҳар он.
Обод бўлгин доимо,
Яшнайвер, Ўзбекистон.

ОТАМГА

Ҳавас қилдим ишига,
Келай доим ёрдамга.
Меҳрибон ҳар кишига,
Ўхшай дейман отамга.

Сабоқ ҳар бир ҳикмати,
Меҳр яшнар юзидан.
Менга урнак меҳнати,
Эргашаман изидан.

Қулда дафтар, қогози,
Катта зиёли одам.
У ёшларнинг устози,
Камтар хислат жамул-жам.

Ёздим илҳом сатримни,
Қувноқ, соғлом юрсин деб.
Бағишлайман шеъримни,
Узоқ умр кўрсин деб.

ОНАМГА

Менга яқин инсонсиз,
Доим ширин забонсиз.
Сизни улуг дер ҳалқим,
Онажоним, сиз бахтим!

Рўзгоримнинг гулисиз,
Тадбиркорлик йўлисиз.
Эъзозлаб юрсин ҳар ким,
Онажоним, сиз бахтим!

Уқи, излан дегайсиз,
Хаёт дарсин бергайсиз.
Фандан гўзал ҳаётим,
Онажоним, сиз бахтим!

Юз йиллаб умр кўринг,
Доим омон, соғ юринг.
Шеърда куйлаш чин аҳдим,
Онажоним, сиз бахтим.

ДАРС ҚИЛАЙЛИК, СИНФДОШ

Фандан суҳбат бошлайлик,
Китобларни ушлайлик.
Касбга қадам ташлайлик.
Дарс қилайлик, синфдош!

Мактаб даври навбаҳор,
Унда ёшлик завқи бор.
Муаллим бўлсин миннатдор,
Дарс қилайлик, синфдош!

Устозларга ўхшайлик,
Ватан севиб яшайлик.
Дўстликдан гап бошлайлик,
Дарс қилайлик, синфдош!

Жарангласин яллалар,
Бизлар қувноқ болалар,
Хурсанд ота-оналар,
Дарс қилайлик синфдош!

Барча бўлсин билагон,
Изланамиз қиз, ўғлон.
Илм севсин ҳар инсон,
Дарс қилайлик, синфдош!

БАҲОР КЕЛДИ

Офтоб тегиб, ерлар илиб,
Ҳаво жуда тоза бўлиб,
Завққа тўлдим сайр қилиб.
Юрт яшнатиб баҳор келди!

Деҳқонбобо кетмон осди,
Ва заминга назар солди,
Гоҳо ёмғир қуйиб қолди,
Юрт яшнатиб баҳор келди!

Табиатда гўзаллик бор,
Яшил либос кийди диёр,
Мен яйрадим кезиб гулзор.
Юрт яшнатиб баҳор келди!

Капалаклар ўйнаб учди,
Гуллар ҳусни чирой сочди,
Ва ижодга йўллар очди:
Юрт яшнатиб баҳор келди!

Замин қадрин билинг, дўстлар,
Ерга меҳр беринг, дўстлар.
Шеър айтаман келинг, дўстлар,
Юрт яшнатиб баҳор келди!

МЕН БАҲОРНИ КУЙЛАГИМ КЕЛДИ

Атроф, дўстлар, ям- яшил кўркам,
Яшнаб кетди жонажон ўлкам,
Табиатда уйғониш бўлди,
Мен баҳорни куйлагим келди!

Ўрик гуллаб, оқ либос кийди,
Гоҳо ёмғир шариллаб қуйди.
Ва ариқлар сувларга тўлди,
Мен баҳорни куйлагим келди!

Майин еллар дилимга ёқди,
Деҳқон бобо заминга боқди.
Қуёш тез-тез чарақлаб кулди,
Мен баҳорни куйлагим келди.

Бугун файзли ҳар бир хонадон,
Сайр этайлик дўстим жонажон.
Дўстларга шеър сўйлагим келди,
Мен баҳорни куйлагим келди.

БИЗНИНГ ШУНДАЙ ЁШЛАР БОР

Китоб ўқир кун сайин,
Изланади тинмайин,
Сўзлар ширин ва майин,
Бизнинг шундай ёшлар бор!

Элимизда қудратли,
Ўқиш ишда гайратли,
Хушмуомала суҳбатли,
Бизнинг шундай ёшлар бор!

Катталарнинг издоши,
Муаллимлар сирдоши,
Яхшиликнинг қуёши
Бизнинг шундай ёшлар бор!

Устозларнинг ишончи,
Халқимизнинг қувончи,
Келажакнинг таянчи
Бизнинг шундай ёшлар бор!

СУМАЛАК

Бўлсин гапнинг саломи,
Келди қалбим илҳоми,
Навбахорнинг таоми.
Ширин экан сумалак!

Қозонларда қайнайди,
Буг ва тутун ўйнайди,
Кимки еса қувнайди.
Ширин экан сумалак!

У Наврўзга ярашар,
Вақти борлар қарашар,
Эл хушчақчақ дейишар,
Ширин экан сумалак!

Юрт учун қилгин хизмат,
Ишлаганга кўп ҳурмат,
Ошпазларга минг раҳмат,
Ширин экан сумалак!

СИНФДОШЛАРИМГА

Ёшлар, фанлар қизиқ дей,
Кел, тенгдошим, меҳр қўй,
Дўстлигимиз абадий,
Гул тутаман, синфдош!

Ёшлик бу олтин фасл,
Орзуларим хилма-хил,
Санъат севар ҳар кўнгил,
Жалб этаман, синфдош!

Устозлар буюк даҳо,
Доноликда бебаҳо,
Мактабимдан доимо,
Шод қайтаман, синфдош!

Мен назмдан сўйлайман,
Изланаман, тинмайман,
Чин юракдан куйлайман,
Шеър айтаман, синфдош!

ЁЗ КЕЛДИ

Мева пишди ранг-баранг,
Боғлар кўркам сиз қаранг,
Гулзор яшнар турфа ранг,
Дўстлар, гўзал ёз келди!

Ариқда сув оқади,
Қушлар қанот қоқади,
Тоғлар ҳусни ёқади,
Дўстлар, гўзал ёз келди!

Пахтазорлар ям яшил,
Қовун-тарвуз хилма-хил,

Халқим қувноқ, шод, аҳил,
Дўстлар, гўзал ёз келди!

Қуй-қузилар ўтлади,
Экинзордан кетмади,
Шоир қалбим қутлади,
Дўстлар, гўзал ёз келди!

УШОҚТЕПА ҚИШЛОҒИ

Инсонлари меҳрибон,
Меҳмондўст ҳар хонадон,
Оналари болажон,
Ушоқтепа қишлоғи!

Йигитлари алп ўғлон,
Ўқиш, ишда билагон,
Орзу йўли чароғон,
Ушоқтепа қишлоғи!

Қизлар чевар гул қўли,
Сўзи ширин бол тили,
Яхшиларнинг чин эли,
Ушоқтепа қишлоғи!

Шу элим обод бўлсин,
Қўшиқлар янграб қолсин,
Йилдан йилга юксалсин,
Ушоқтепа қишлоғи!

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Янгиликлар кўпаймоқда,
Янгиланиш ҳамма ёқда,
Шўх қўшиқлар янграмоқда,
Обод турмуш йили, дўстлар!

Ишбилармон. тадбиркор кўп,
Эл ишига мададкор кўп.
Меҳнатидан шодлар кўп,
Обод турмуш йили, дўстлар!

Боболарнинг руҳи шод,
Эл ичра кўп ислоҳот.
Йилдан йилга ўлкам обод
Обод турмуш йили, дўстлар!

Ватанимни куйлай ҳар он,
Юрт тинчлиги бахтдир, ишон,
Яшнаб кетди Ўзбекистон.
Обод турмуш йили, дўстлар!

ШЕЪРИМ СИЗГА

Саккизинчи март бугун,
Қўшиқ айтай мен шодон.
Байрам билан табриклай,
Меҳрибоним, онажон!

Баҳорнинг гузаллиги,
Сиздан ранглар олгандир.
Қадрингиз афзаллиги,
Дилга илҳом солгандир.

Бахтим, тахтим дегайман,
Ҳамиша қилдим қадр.
Мен Олима куйлайман,
Ушбу шеърим сизгадир.

БИЛИМ МАСКАНИ

Мақтабим улуг ҳар он.
Устозларим меҳрибон.
Чиққан кўплаб чемпион,
Бағри кенг билимга кон.

Гайрат қилиб ўқийман,
Устоз ортидан юриб.
Изланаман, тинмайман,
Фанларга меҳрим бериб.

Менинг олтин ёшлигим,
Шу даргоҳда ўтмоқда.
Касб-ҳунар оламига,
Бизларни жалб қилмоқда.

Шифокор бўлсам дейман,
Ватанга меҳрим қўшиб,
Ўз касбим севсам дейман,
Куйлай юракдан жўшиб.

БАҲОР

Баҳор келди элимга,
Шодлик тўлди дилимга
Қир адирда лолалар.
Олам нурга тўлади.

Бойчечагу чучмома.
Бош кўтарар салом деб.
Бинафшаю, қоқигул,
Табиатга берар зеб.

Олис-олис юртлардан,
Қалдиргочлар келади.
Манзара ҳам ранг баранг,
Анҳор сувга тўлади.

Кўклам ажойиб фасл,
Кенг борлиқда уйғониш.
Булбул қилар гоҳ хониш,
Кел сайрга, эй, дўстим.

Завққа тўлар юраклар,
Уйнаб кулар ёш- қари
Барчага бирдек ёқар,
Чунки бу гўзал баҳор.

ГИМНАСТИКА

Мени чорлар спорт зал,
Устоз ширин тилакли.
Шуғуланинг ҳар маҳал,
Гимнастика керакли!

Тенгдошларим доимо,
Бўлинг кучли билакли.
Машгулотда қатнашинг,
Гимнастика керакли!

Спорт тоблар инсонни,
Қилар ботир юракли.
Меҳрим қўйдим умрбод,
Гимнастика керакли!

СПОРТ БИЛАН ШУГУЛЛАН

Тонгда мен барвақт турдим,
Чаққон бўлиб югурдим.
Биддимки, чиниқар тан,
Спорт билан шугулан!

Қон юришар танада,
Баққуватсан янада.
Бу ҳам асли илм-фан,
Спорт билан шугулан.

Соғлик – инсон учун бахт,
Машгулотга туринг тахт.
Ўзингга фойда дейман.
Спорт билан шугулан!

ГИМНАСТИКА ҚИЛАМАН

Спортга кўп меҳрим бор,
Машқ қиламан мен такрор.
Соғлом яшаш бир шиор,
Гимнастика қиламан.

Ҳаракатдан кучли тан,
Енгил, чаққонлик шундан.
Руҳ тетик бўлиб буңдан,
Гимнастика қиламан.

Машгулотда яйрайман,
Ва ҳушчақчақ сакрайман.
Форма кийиб юргайман,
Гимнастика қиламан.

Устозларга эргашай,
Беллашувда қатнашай.
Соғлом бўлиб кўп яшай,
Гимнастика қиламан.

МУНДАРИЖА

Гузал Ватанимга.....	3
Отамга.....	4
Онамга.....	4
Дарс қилайлик синфдош.....	5
Баҳор келди.....	6
Мен баҳорни куйлагим келди.....	7
Бизнинг шундай ёшлар бор.....	7
Сумалак.....	8
Синфдошларимга.....	9
Ёз келди.....	9
Ушоқтепа қишлоғи.....	10
Обод турмуш йили.....	11
Шеърим сизга.....	11
Билим маскани.....	12
Баҳор.....	12
Гимнастика.....	13
Спорт билан шугуллан.....	14
Гимнастика қиламан.....	14

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Олима БОЙМАНОВА

МЕН БАҲОРНИ КУЙЛАГИМ
КЕЛДИ

Шеърлар

Муҳаррир:	Ю.Зиёдов.
Техник муҳаррир:	Ч.Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ:	Ю.Зиёдов.
Саҳифаловчи:	Ш.Холмуродова.

Нашриёт лицензия № АІ 139, 27.04.2009 йил.
Теришга 12.07.2013 йилда берилди. Босишга
5.09.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108_{1/32}.
Офсет қоғози. Baltica TAD гарнитураси. Офсет
усулда чоп этилди. Шартли босма табоғи 0,84.
Нашр босма табоғи 0,44. 85-2013-шартнома.
58-буюртма. 100 нусхада. 16 бет. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси,
22-уй.